
“СУЛАЙМОН” МАҲАЛЛАСИДА НУРОНИЙЛАР МАСКАНИНИНГ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ ТАДБИРИ “УЧ АВЛОД” УЧРАШУВИ БИЛАН ДАВОМ ЭТДИ

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Ўзбекистон тумани “Сулаймон” маҳалласидаги Нуронийлар масканининг фойдаланишга топшириш маросими ҳамда ушбу масканда ташкил этилган “Уч авлод” учрашувида иштирок этди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими, “Обод хонадон - обод кўча - обод маҳалла” тамоили асосида “Сулаймон” маҳалласида оқсоқолларнинг маслаҳатлари, ташабускор тадбиркорларнинг сайъ-ҳаракатлари билан салмоқли ишлар амалга оширилганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги учрашув отахон-онахонлар, ёшлар иштирокида ўтаётгани, бу ҳам қадрият, ҳам тарбия тадбири эканлиги қайд этилди. Шу каби учрашувларда ёшларнинг иштирок этиши, уларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли, ҳурматда бўлишга ундаши, уларнинг юрга садоқатли инсонлар бўлиб камолга етишида нуронийларимизнинг ўғитлари ва йўл-йўриқлари ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланди.

Тадбиркор Мираҳмад Акбаров марҳум отасининг ниятларини амалга ошириб, ўз маблағи ҳисобига маҳаллада Нуронийлар масканини қурилишига бош бўлди. Бугун отасининг тенгдошлари дийдорлашишлари, бир пиёла чой устида суҳбат қуришлари учун шароит яратиб бериб, уларнинг дуоларини олмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-05-18 21:48:20